



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-ракам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темура кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ	
Вехзоджон Усмонович Шермухамедов Тижорат банклари депозит сиёсатининг қийосий таҳлили	149
Хуббим Аскарлович Улашев Иқтисодийнинг келгуси тараққиётида инвестицияларнинг ўрни	153
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Анвар Нематович Холиқулов Хизмат кўрсатиш корхоналарида самарадорликни оширишнинг кўп омилли корреляцион-регрессион таҳлили	158
Зайнаб Баратовна Эшпулатова, Шахзод Шохрухович Усманов Корхоналар даромадларининг молиявий ҳисобот элементи сифатидаги тавсифи	162
Бобур Фарходович Боронов Ёғ-мой саноати корхоналарида пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботни такомиллаштириш	166
БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Шавкат Собирович Олтаев Мамлакатимиз ёшларининг иш билан бандлик даражасини ошириш: муаммо ва имкониятлар	171
Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов Марказий Осиё илм-фани ривожига Амир Темур ва Темурийларнинг туган ўрни	175
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Умар Худайбердиев, Севара Абдиназаровна Бабаназарова Мактабгача таълим – таълим ва тарбиянинг асосидир.	180
Тўлқин Кулибаевич Мардиев, Дилноза Акрамовна Искандарова Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг умумий семантик жиҳатлари	184
Садулла Шодиевич Уразов Таълим хизматлари кластери – таълим соҳасини ривожлантириш ва бошқариш стратегияси сифатида	188
Ҳилола Нематовна Очилова Таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари	192
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Беморлик, фақирлик ва муҳтожлик сабаблари. Доно саволга доно жавоб.	197
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Инсоннинг руҳияти ва кечинмалари ҳақида савол-жавоблар.	198

ишчиларни бўшатишга йўналтириши керак. Кластерни бошқариш, барча иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари билан ҳамкорлик қилиш учун **кластер кенгашини** тузиш керак. Самарқанд вилояти ҳокимиятининг роли зарур ҳуқуқий базани шакллантириш ва ушбу жараёнларни молиялаштириш орқали интеграция учун шарт-шароитларни таъминлашдан иборат.

Хулоса ва таклифлар. Шубҳасиз, ҳудудда таълим хизматлари кластерининг шаклланиши Самарқанд вилоятини таълим хизматларини кўрсатиш, истиқболли илмий тадқиқотлар ва турли соҳалардаги инновацион ишланмалар бўйича етакчи марказ сифатидаги нуфузини оширади. Бу Самарқанд вилояти олий ўқув юртларига, жумладан, хорижий олий ўқув юртларидан талабалар оқимини кўпайтириш, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, меҳнат бозорида талаб катта бўлган турли мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

Самарқанд вилоятда таълим хизматлари кластери яратилса:

- Самарқанд вилояти имиджини таълим хизматларини кўрсатиш бўйича йирик марказ сифатида яхшилайдди;
- абитуриентларни бошқа ҳудудлардан, шу жумладан чет элдан ҳам жалб қилади;
- ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини оширади;
- минтақада илмий салоҳиятни жамлайди, юқори технологияли корхоналар сонининг ўсишини таъминлайди;
- ҳудудий иқтисодиёт яхшиланади;
- ёш мутахассислар ўртасида ишсизликни камайитиришга ҳисса қўшади;
- таълим хизматларини кўрсатишда нарх белгилаш механизмларини такомиллаштирилади.

С.Уразов	S.Urazov
Кластер образовательных услуг как стратегия развития и управления сферой образования	Cluster of educational services as a strategy for the development and management of education
<p>Аннотация: В статье рассмотрены подходы к пониманию сущности образовательного кластера, изучены предпосылки его формирования в Самаркандской области, спланированы структура и механизм взаимодействия субъектов внутри кластера. Выделены социально-экономические и научно-образовательные преимущества от его создания в регионе.</p> <p>Ключевые слова: кластер, образование, кластер образовательных услуг, территория, стратегия, интеграция, интеграция образо-вательных услуг.</p>	<p>Abstract: The article discusses approaches to understanding the essence of the educational cluster, studied the prerequisites for its formation in the Samarkand region, planned the structure and mechanism of interaction of subjects within the cluster. The socio-economic, scientific and educational benefits from its creation in the region are highlighted.</p> <p>Keywords: cluster, education, cluster of educational services, territory, strategy, integration, integration of educational services.</p>

Ҳилола Нематовна Очилова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Менежмент” кафедраси ўқитувчиси

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари қараб чиқилган. Бунда таълим хизматлари хусусиятлари билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилиниб, уларнинг саккизта йўналиш бўйича таснифи ва ҳар бирининг тавсифи ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижасида олий таълимда кўрсатиладиган таълим хизматларининг ҳам ўзига хос хусусиятлари алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: таълим, таълим турлари, таълим хизматлари, таълим тавсифи, таълим хизматлари, микдор ва сифат.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, аввалом бор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур...”¹ деган сўзлари таълим соҳасида тадқиқот олиб боришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони²да Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак-маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш назарда тутилган.

Мамлакатимизнинг келажаги, миллат равнақи бевосита таълимнинг даражасига боғлиқ. Шу туфайли мамлакатимизда таълимни ривожлантиришга жуда катта аҳамият қаратилмоқда. Шулардан келиб чиқиб биз таълим соҳасига иқтидорли талабаларни танлаб олиш, таълим бериш жараёнида уларни билимини, салоҳиятини тўғри баҳолаш, аъло баҳога ўқиган талабаларни магистратурага киришни хоҳлаганларини, келажакда илмий изланишлар билан шуғулланмоқчи бўлганларини аниқлаш ва уларни киришлари учун имкониятлар яратиб бериш кераклиги ҳақида изланишлар олиб бордик. Чунки ушбу масала бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Бугунги кунда дунё миқёсида таълим соҳасига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Чунки таълим соҳасининг такомиллаштиришда уларнинг турлари муҳтож аҳамиятга эга. Шу туфайли таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш билан иқтисодчи олимларимиз ҳам шуғулланиб келмоқда. Булар жумласига С.С.Ғуломов, Р.Х.Аюпов, М.Э.Пўлатов, А.В.Вахабов, М.Х.Саидов, М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев, М.М.Мухаммедов, Б.И.Исроилов, А.О.Очилов, Б.Ш.Усмонов, О.Т.Қаҳҳаров, кабиларни³ киритиш мумкин. Бироқ, таълим хизматларининг таснифи олимларимиз томонидан етарли даражада тадқиқ қилинмаган ва мос равишда адабиётларда ҳам кам ёритилган.

Тадқиқот методологияси. Таълим хизматларининг тавсифини тадқиқ қилиш жараёнида миқдор ва сифат, индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез мантикий таҳлил каби услублардан ва ёндошувлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Биз олий таълимда хизмат кўрсатувчи кадрларимиз қанчалик билимли, салоҳиятли бўлса, таълимда ривожланиш бўлади. Таълими ривожланган юрт албатта юксалади, ривожланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2019 йил 9 октябр

³Ғуломов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.; Ғуломов С.С., Аюпов Р.Х. Рақамли иқтисодиёт ва электрон тижорат асослари. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2020, 510 бет.; Саидов М.Х. Ўзбекистон: инвестиция в человеческий капитал, партнёрства в сфере образования.-М.: Книжный дом газеты «Труд», 2006.-243 с.; Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж, Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув Қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. – 384 б.; Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2020. – 256 б.; М.М.Мухаммедов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.:«Фан ва технология» нашриёти 2018. Исроилов Б.И. Таълим тизимида инновацион корпоратив ҳамкорликни ривожлантиришда иқтисодий механизмлар ролини ошириш. ТМИ, ИАК, 2016 й., 26 март.; Очилов А.О. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати – Тошкент, ТДИУ, 2019. – 76-бет.; Усмонов Б.Ш. ва бошқалар. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли. Т.: “Фан ва технологиялар”, 2015 й.; Қаҳҳаров О.Т. Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизмининг такомиллаштириш. Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 79 бет.

Таълимга эътибор деганда, аввалом бор мактабгача таълим, мактабларда бериладиган таълимга эътибор бериш лозим. Буларга Президентимиз ҳам жуда катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарори қабул қилинган¹. Бунда жуда долзарб вазифалар белгиланган.

Мактабгача таълимдан ташқари, Халқ таълимига ҳам алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони қабул қилинган². Ушбу Фармонда ҳам керакли вазифалар белгилаб қўйилган.

Ушбу белгилаб қўйилган вазифаларни бажаришда таълим соҳасидаги фаолият юри-таётган ҳар бир масъуллар, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар ўз вазифасини сидқидилдан бажарсагина юксак марраларга эришамиз. Бу вазифаларни босқичма-босқич амалга оширсак, ўйлаймизки, мамлакатимиз ривожланган мамлакатлар қаторидан жой эгаллайди.

Таълим хизматларининг бошқа хизмат турларидан, ажратиб турадиган бир қанча хусусиятлари мавжуд. Буларнинг айримларини келтириб ўтамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари

Т /р	Таълим хизматлари (ТХ)нинг хусусиятларининг номи	Таълим хизматлари хусусиятларининг изоҳи
1.	ТХ нафақат иқтисодий, балки ижтимоий характерга эга	Таълим хизмати кўрсатилганда иқтисодий фойда келтиради. Ушбу кўрсатилган хизматдан фойдаланиш натижасида мамлакатга, жамиятга, оиласига тегишли наф ҳам келтиради.
2.	ТХда моддий неъмат эмас, балки инсон капитални шакллантиришга хизмат қилади	ТХни кўрсатишда шахсга таълимни тарбия билан уйғунлашган ҳолда бери-лади. Сифатли таълим хизмати кўрсатилганда инсон капитали шакллантирилади.
3.	ТХда бир кишига эмас, бирданига жамоага хизмат кўрсатилади	ТХ кўрсатилиш жараёнида бирданига гуруҳга, потокка таълим берилади. Бунинг натижасида энг қимматли вақтни тежаймиз.
4.	ТХларига қилинган харажатлар кўрсатилган пайтда қайтарилмайди.	Сифатли таълим хизмати кўрсатишда замонавий жиҳозланган аудиториялар, малакали профессор-ўқитувчилар учун анча харажат қилинади.
5.	ТХларининг натижаси ва самарадорлиги бир қанча йиллардан кейин намоён бўлади.	Сифатли таълим хизмати кўрсатилганда унинг самарадорлиги барча соҳаларда йиллар давомида ўз самарасини беради.
6.	Таълим хизмати истеъмол қилинганда шахс шаклланади	Бошқа маҳсулотлар истеъмол қилинганда йўқолади, таълим хизмати истеъмол қилинганда инсон капитали шаклланади
7.	Таълим хизмати кўрсатилганда ижобий натижага эришилади	Таълим хизматидан фойдаланган шахслар билимли, қобилиятли, истеъдодли, маънавий ва интеллектуал етук мутахассис бўлиб шаклланади
8.	Таълим хизмати кўрсатилганда истеъмолчи ҳам ишлайди	Таълим хизмати кўрсатиш жараёнида истеъмолчиларимиз ўзи ҳаракат қилади, ўқийди, изланади, мустақил ишлайди.

¹Lex.uz/docs/4327235

²https://lex.uz/docs/4312785

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, таълим хизматлари бошқа кўрсатиладиган хизматлардан кўпгина хусусиятлари билан фарқ қилади. Таълим хизматлари кўрсатиш жараёнида ҳам хизмат қилувчи, ҳам истеъмолчи бир вақтнинг ўзида жуда кўплаб ижобий ютуқларга эришади.

Энди мавзумиздан келиб чиқиб, олий таълимда таълим хизматлари тушунчасига тухталишни лозим, деб топдик. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Олий таълим” деганда – турли олий мактабларда юқори, олий малакали мутахассислар тайёрлаш. Олий таълим олий ўқув юртлари томонидан халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг турли соҳалари бўйича олий малакали мутахассис бўлишни истаган ва тегишли талабларни бажарган ўрта махсус ёки касб-хунар таълимини олган кишиларга илмий-назарий билим бериш ҳамда муайян кўникмалар шакллантириш йўли билан амалга оширилади”¹ – деган тушунча берилган.

Мактабгача таълим муассасаларида, ўрта таълим муассасаларида сифатли хизмат кўрсатилгандан сўнг эса ўрта мактабни, лицейларни битираётган битирувчилар ҳам таълим муассасаларини аъло баҳоларга битирадилар. Мактаблардан, лицейлардан иқтидорли талабаларни олий таълимга танлаб олишимиз лозим. Булар олий таълимда самарадорликка эришишнинг омилларидан биридир.

Олий таълимда таълим хизматлари ҳақида гапирадиган бўлсак, аввалом бор таълим хизматлари ўзи нима эканлигини қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки таълим хизматлари ҳақида ҳам жуда кўп олимларимиз тадқиқотлар олиб борганлар ва таълим хизматларига ўз таърифларини берганлар.

Шу билан бирга С.С.Фулотов умумий таҳрири остида нашр қилинган М.Х.Саидов, Л.В.Переғудов, З.Т.Тоҳировларнинг “Олий таълим (луғат-маълумотнома)” асарида “Олий таълим – узлуксиз таълимнинг мустақил тури. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, малакали педагог кадрлар ва илмий ходимлар тайёрлашни, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими негизида маълумотини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга бўлган шахснинг эҳтиёжини қондиришни амалга оширади ва буни олий таълим муассасаларида юзага чиқаради”², деб таъриф берганлар.

Қараб чиқилаётган “олий таълим” тушунчасига олимларнинг қарашлардан кўриниб турибдики, бу масалага алоҳида аҳамият берилган олимлар жуда кам экан. Чунки ушбу тушунчага Ўзбекистон олимларининг қарашлари асосан таълим хизматлари билан чекланиб қолинган.

Олий таълимда таълим хизматлари тушунчасига россиялик тадқиқотчи С.В.Холодованинг “Россия на международном рынке образовательных услуг высшего образования” номли иқтисодиёт фанлари номзодлигини олиш учун ёзилган диссертацияси авторефератида “Олий таълимнинг таълим хизматлари – бу ҳамма нарсага эга, умумий хизматларнинг хусусиятлари (номоддийлик манбаларидан ажралмаган ҳолда сифатнинг номутаносиблиги ва бошқалар), шунингдек ўзига хос хусусиятларга эга хусусиятлари: натижани кечиктириш ва унга боғлиқлигини аниқлаш битирувчининг келажакдаги иши ва ҳаёти учун шароитлардир”³ деб таъриф берган.

Ушбу қарашлардан хулоса қиладиган бўлсак, олий таълимда таълим хизматларининг хусусияти янада ойдинлашади. Бу қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, бошқа таълим босқичларида навбатдаги таълим учун тайёрланади. Масалан, бошланғич таълим, умумий таълимга, умумий таълим ўрта махсус ёки олий таълим босқичига ўтишга.

¹ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-o/oliy-talim-uz/>

² Саидов М.Х., Переғудов Л.В., Тоҳиров З.Т. Олий таълим (луғат-маълумотнома). Академик С.С.Фулотов умумий таҳрири остида. Т., “Молия” нашриёти, 2003, 220-бет.

³ <https://www.dissercat.com/content/rossiya-na-mezhdunarodnom-rynke-obrazovatelnykh-uslug-vysshego-obrazovaniya>

Иккинчидан, олий таълим бевосита амалиётга, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларида фаолият кўрсатишга тайёр бўлиш учун таълим хизматлари кўрсатилади.

Учинчидан, олий таълимда ихтисосликлар бўйича ҳам чуқурлаштирилган таълим берилади. Бир йўналишдаги талабалар иккинчи йўналишда ўқийдиган талабар билан оладиган билимлари бир-бирига умуман ўхшамасликлари мумкин. Масалан, қурилиш мутахассислигидаги талабалар, тиббиётдаги талабалар билан, тиббиётдаги талабалар иқтисодиёт билан бир-бирини тақрорламайдилар.

Тўртинчидан, олий таълимда назария билан бир вақтнинг ўзида амалиётнинг уйғунлиги таъминланган бўлиши шарт. Шундагина олий маълумотли мутахассислар амалиёт учун тайёр кадр бўлиб етишади. Аммо бу масалада мамлакатимизда ҳали бир қанча ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар мавжуд.

Кўриниб турибдики, таълим хизматларининг ҳар бир йўналиши ўзига хос хусусиятга эга. Шундан келиб чиқиб, қарайдиган бўлсак, олий таълим ҳам ўзига хослиги билан бошқалардан фарқ қилади. Бундан кўриниб турибдики, таълим хизматларини кўрсатишда таълимнинг ҳар бир босқичида, ҳар бир босқичида эса, унинг ҳар бир йўналишида ўзига хослигини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Хулоса ва таклифлар. Мақолада таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиниб бир қанча хулосаларга келинди.

Биринчидан, таълим хизматларининг илмий асосланган тавсифи таълимга оид иқтисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Ушбу камчиликларни инобатга олиб, уларнинг таснифи ва тавсифи ишлаб чиқилган.

Иккинчидан, саккиз банддан иборат таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари келтирилган. Бунда уларнинг асосий йўналишлари билан бирга ҳар бирининг мазмуни ҳам очиб берилган.

Учинчидан, олий таълимда таълим хизматларининг ҳам ўзига хос хусусиятлари тўртта йўналишда ишлаб чиқилган. Ушбу йўналишдаги хусусиятларнинг назарий жиҳатлари етарли даражада тадқиқ қилинмаганлигини инобатга олиб, ушбу масалага инновацион иқтисодиёт талабига мос ҳолда йўналишлари шакллантирилган.

Мазкур ишда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий қилинадиган бўлса, таълим соҳасида, хусусан олий таълим тизимида таълим хизматларини кўрсатиш жараёни билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлар соҳага оид адабиётларнинг мазмуни янада бойитиш билан бирга, таълимнинг Янги Ўзбекистон талабларига мос ҳолда ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Х.Очилова	Н.Ochilova
<p>Особенности образовательных услуг Аннотация: в статье исследуются специфические характеристики образовательных услуг. При этом были исследованы вопросы, связанные с характеристиками образовательных услуг, разработана и описана их классификация по восьми направлениям. В результате исследования также были показаны специфические характеристики образовательных услуг, оказываемых в высшей школе. Ключевые слова: образование, виды образования, образовательные услуги, характеристика образования, количество и качество.</p>	<p>Specific features of educational services Abstract: The article examines the specific characteristics of educational services. At the same time, the issues related to the characteristics of educational services were investigated, their classification in eight areas was developed and described. The study also showed the specific characteristics of educational services provided in higher education. Keywords: education, types of education, educational services, description of education, quantity and quality.</p>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023